



ТАСДИКЛАЙМАН  
Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи Э.Худайбергенов

**Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси Реаблитация (20 койкали пуллик  
тиббий хизмат) бўлимни тўлиқ жорий таъмирлаш хизмати  
хариди учун**

**ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД  
ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи: Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси**

Тўрткўл – 2022 й.

## ЭЛЕКТРОН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

<b>Танлаш моҳияти</b>	Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси Реаблитация (20 койкали пуллик тиббий хизмат) бўлимини тўлиқ жорий таъмирлаш
<b>Ҳар бир товар (иш, хизмат) харид тартиб-таомилларининг алоҳида бирлиги каби кўриб чиқилади</b>	лот бўлинмайди
<b>Хариднинг режа жадвали</b>	тўртинчи чорак 2022 йил
<b>Савдолар ўтказиладиган ой</b>	ноябр 2022 йил
<b>Молиялаштириш манбаи</b>	Бюджет маблағлари
<b>Маҳаллий иштирокчилар учун тўлов шартлари</b>	Миллий валютада (сўм) – Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб тўлов амалга оширилади.
<b>Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар</b>	Етказиб бериладиган жой: Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Нукус кўчаси 36-уй
<b>Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати (кунларда кўрсатилади)</b>	30 кун.
<b>Энг яхши таклифи амал қилиш муддати</b>	<a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> электрон манзилида кўрсатилган эълон муддати даврида
<b>Иштирокчиларига қўйиладиган талаблар</b>	Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
<b>Масъул хизмат, боғланиш учун шахс, телефон, эл. почта</b>	Харид комиссиясининг раиси – Худайберганов Зафар Зарипбаевич. Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36 уй, 231200. Телефон: +99897-220-65-35. Электрон манзил: <a href="mailto:z.khudayberganov@minzdrav.uz">z.khudayberganov@minzdrav.uz</a>

## I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар	1.1	Ушбу энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми (2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори).
		1.2	Энг яхши таклифларни танлаш моҳияти: Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси Реаблитация (20 койкали пуллик тиббий хизмат) бўлимини тўлиқ жорий таъмирлаш.
		1.3	Харидни амалга ошириш учун асос: Халқ депутатлари Тўрткўл туман кенгашининг 30.09.2022 йилдаги “Тўрткўл туманида 2022 йил 2-мавсумида Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари ҳисобидан Очик бюджет ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклифлар учун маблағлар ажратиш тўғрисида”ги VI-51-150-13-190-К/22-сонли қарори.
		1.4	<b>Энг яхши таклифларни танлаш бошланғич нархи: 797 320 681,00 (Етти юз тўқсон етти миллион уч юз йигирма минг олти юз саксон бир) сўм ҚҚС билан.</b> Энг яхши таклифларни танлаш таклифида кўрсатилган нархлар энг яхши таклифларни танлашнинг бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
		1.5	Ушбу харид қилиш ҳужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар: <b>аванс тўлови</b> – қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг зақалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;
		1.6	<b>зақалат</b> — корпоратив буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг таклифларини таъминлаш усули; <b>давлат буюртмачиси</b> — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс; <b>Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия</b> — ваколатли орган томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат органлари, давлат харидлари

			<p>электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларида иборат таркибда тузиладиган комиссия; давлат харидларининг режа-жадвали — давлат буюртмачиси томонидан йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;</p> <p><b>давлат харидларининг электрон тизими</b> — электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;</p> <p><b>давлат харидлари электрон тизимининг оператори</b> — давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, ваколатли орган томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахс;</p> <p><b>лот</b> — турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жамланмаси сифатида давлат буюртмачиси томонидан белгиланган ва алоҳида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома бўйича харид предмети ҳисобаландиган миқдорий қисм;</p> <p><b>шахсий кабинет</b> — электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, давлат харидлари субъектлари, харид комиссиясининг масъул котиби, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг махсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидаги индивидуал саҳифаси;</p> <p><b>электрон таклиф</b> — энг яхши таклифларни танлаш ва тендер тартиб-таомилида қатнашиш учун харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўз шахсий кабинети орқали электрон кўринишда юборадиган таклиф;</p> <p>ҳисоб-китоб-клиринг палатаси — аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлинмаси.</p>
2	Электрон энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари	2.1	<p>Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси танлашнинг Буюртмачиси (кейинги ўринларда – Буюртмачи) ҳисобланади.</p> <p>«Буюртмачи»нинг манзили: 231200, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36-уй.</p>

			«Буюртмачи»нинг реквизитлари: СТИР 200392480, ОКЭД 86100, МФО 00014
		2.2	Харид комиссиясининг раиси – Тўрткўл тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Худайберганов Зафар Зарипбаевич. Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36 уй, 231200. Телефон: +99897-220-65-35. Электрон манзил: <a href="mailto:z.khudayberganov@minzdrav.uz">z.khudayberganov@minzdrav.uz</a> ; (кейинги ўринларда – комиссия раиси).
		2.3	Шартнома эгаси: Тўрткўл туман Тиббиёт бирлашмаси.
		2.4	Танлаш Буюртмачи томонидан ташкил этилган, таркибида камида беш кишидан иборат бўлган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
<b>3</b>	<b>Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари</b>	3.1	Электрон танлаш иштирокчиси (кейинги ўринларда – иштирокчи) электрон танлашда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган давлат харидлари бўйича иштирокчи сифатида юридик шахс ҳисобланади.
		3.2	Иштирокчи: давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш; давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш; Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш; қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.
		3.3	Иштирокчи: давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши; харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши; асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт. Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон энг яхши таклифларни танлаш ва танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.
		3.4	Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувида бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.
		3.5	Иштирокчи давлат харидининг ижрочиси деб эътироф этилган тақдирда:

			танлаш якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари; ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда танлаш якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.
4	Электрон танлашга йўл қўйиш	4.1	Буюртмачи ва иштирокчилар ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон давлат харидларига қўйилади.
		4.2	Буюртмачи ва иштирокчилар электрон танлашдаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.
		4.3	Операторнинг электрон тизими автоматик режимда: - ҳар бир лот бўйича амалга оширилган аванс тўлови миқдорига мувофиқ электрон харидларга рухсат беришни; - электрон харидларни амалга оширишни; - электрон харидлар натижалари бўйича ижрочини аниқлашни; - битимни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.
		4.4	Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани электрон формада тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади: - шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; - солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги <u>иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди.</u> <u>Иштирокчи сўровномада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги</u> ҳақида маълумотларни тасдиқлайди. Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан <u>Инсофсиз ижрочиларнинг</u>

			<p><u>ягона реестри</u> маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.</p> <p><b>Оператор:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- иштирокчиларга ҲККПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади;</li> <li>- иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.</li> </ul>
5	<b>Танлашда иштирок этиш ва таклифни таъминлашни тақдим этиш тартиби</b>	5.1	<b>Таклифни таъминлаш</b> тартиби, шу жумладан, танлаш иштирокчисининг қайтариб бўлмайдиган таклифини кафолатловчи нақд депозитнинг миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.
		5.2	<p>Электрон танлашда қатнашиш учун иштирокчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни тўлдиради (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари). Якка тартибдаги тадбиркор ва резидент тизимда фақат электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади;</li> <li>- ҲККПда рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, иштирокчи учун шахсий ҳисоб очилади. Иштирокчилар электрон давлат харидларида ҲККПдаги шахсий ҳисоб варақларида олдиндан тўлов етарли миқдорда бўлган тақдирда иштирок этадилар;</li> <li>- танлаш шартлари билан батафсил танишгандан сўнг, иштирокчи электрон танлашда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида керакли маълумотларни тўлдиради. Агар “Талаблар” бўлимига маълумот киритиш вақтида ижрочидан ҳар қандай талабни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш сўралган бўлса, ушбу ҳужжат файл сифатида юкланиши керак.</li> </ul>
		5.3	Электрон танлаш ўтказишда иштирокчилар томонидан закат киритиш зарурати ва миқдори буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закат электрон танлаш ғолиби билан шартнома тузилгунига қадар хатланади.
		5.4	<p>Иштирокчи томонидан таклифни таъминлаш суммасини тўлаш талаб қилинмайди ва бир иш куни ичида таъминлаш тўғрисида ҳужжат қайтарилади ёки қуйидаги ҳолатлардан бири содир бўлганидан кейин қайтарилиши таъминланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- таклифнинг кафолат муддати тугаши;</li> <li>- давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш;</li> <li>- электрон танлашни бекор қилиш;</li> <li>- таклифларни юбориш муддати тугагунга қадар таклифни қайтариб олиш.</li> </ul>
		5.5	Оператор электрон танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатни

			<p>банддан ечади ва уни <i>ижрочининг</i> тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.</p> <p>Портал, электрон давлат харидларининг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини буюртмачи ва иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади.</p> <p>Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилади.</p>
6	<b>Танлаш таклифларни баҳолаш тартиби</b>	6.1	<p>Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.</p> <p>Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.</p> <p>Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.</p>
		6.2	<p>Танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- танлаш таклифининг танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;</li> <li>- иштирокчининг малака талабларга (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;</li> <li>- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш;</li> <li>- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.</li> </ul> <p>Бунда электрон тизим танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.</p>
		6.3	Дастлабки малакавий танлов ўтказиш учун зарур



			бўлган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқномага 1-иловада келтирилган.
		6.4	Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш ўтказиш бўйича харид қилиш ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб ва мезонлар асосида амалга оширилади.
		6.5	<p>Иштирокчи харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;</li> <li>- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;</li> <li>- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;</li> <li>- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;</li> <li>- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;</li> <li>- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса;</li> <li>- иштирокчи коррупция кўринишларининг олдини олиш тўғрисида ариза тақдим этмаган бўлса;</li> <li>- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;</li> <li>- иштирокчилар томонидан белгиланган муддатда талаб қилинадиган ҳужжатлар тўплами тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;</li> <li>- танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган бўлса.</li> </ul> <p>Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.</p>
		6.6	Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид

			<p>комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.</p> <p>Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.</p>
		6.7	<p>Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.</p> <p>Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.</p>
		6.8	<p>Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 10 (ўн) иш кунидан ошиши мумкин эмас.</p>
7	<b>Электрон танлашда иштирок этиш учун таклиф юбориш</b>	7.1	<p>Танлашда иштирок этиш учун танлаш таклифи давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланади.</p>
		7.2	<p>Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.</p> <p>Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p>
		7.3	<p>Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.*</p> <p><i><u>*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлган товарларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси уларни иштирокчилар томонидан топширишининг алоҳида тартибини белгилайди.</u></i></p> <p>Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.</p>
		7.4	<p>Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.</p>
		7.5	<p>Электрон танлаш иштирокчиси:</p>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>- фақат битта таклиф беришга ҳақли;</li> <li>- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар;</li> <li>- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.</li> </ul>
		7.6	Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.
		7.7	<p>Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техник таклиф ва ушбу йўриқномага илова қилинган 5-шаклга мувофиқ таклиф этилаётган маҳсулотнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;</li> <li>- товарни ишлаб чиқарувчидан ишончнома (6-шаклга биноан) ёки ишлаб чиқарувчидан рухсатнома (<i>агар электрон танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлмаса</i>);</li> <li>- техник ҳужжатлар (брошюралар, техник паспортлар, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).</li> </ul>
		7.8	Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.
<b>8</b>	<b>Танлаш таклифларини топшириш муддатини узайтириш</b>	8.1	Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан барча иштирокчиларга тегишли бўлган танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки танлаш иштирокчиларига таклифлар қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
		8.2	<p>Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда мазкур танлашда таклифлар киритиш муддати харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камида 10 (ўн) иш кунига узайтирилиши керак. Шу билан бирга, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш эълонига ўзгартиришлар киритилади.</p>
<b>9</b>	<b>Электрон танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш</b>	9.1	<p>Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиққан ҳолда, электрон тизим автоматик равишда танлашнинг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда кейинги иштирок этишга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф қилган иштирокчини ғолиб деб аниқлайди.</p> <p>Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда</p>

			белгиланган тартибда амалга оширилади.
		9.2	<p>Электрон танлашда қуйидаги ҳолатларда танлаш ўтказилмаган деб топилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;</li> <li>- биринчи босқичда харид комиссияси барча таклифларни рад этса ёки фақат битта таклиф танлашда харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берса.</li> </ul> <p>Бундай ҳолатда буюртмачи электрон танлашни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақроран амалга ошириши шарт.</p>
		9.3	<p>Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.</p> <p>Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.</p>
		9.4	<p>Электрон танлашнинг исталган иштирокчиси танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.</p>
<b>10</b>	<b>Шартнома тузиш</b>	11.1	<p>Электрон танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга ва танлаш ғолиби таклифларига мувофиқ тузилади. Бунда шартнома томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва оператор томонидан шартномалар реестрига киритилади.</p>
		11.2	<p>Агар захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳукуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, буюртмачи янги танлаш харидини ўтказди.</p>

**Танлаш таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:**

Танлаш таклифларини баҳолаш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- танлаш таклифининг харид килиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мувофиқ бажарилишини текшириш (1-жадвал);
- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш (2-жадвал);
- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш (3-жадвал).

Шу билан бирга, тизим танлаш таклифининг малакавий, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларнинг танлаш таклифининг олдинги қисмини баҳолашни умумлаштиришдан олдин изчил ошкор этилишини таъминлайди.

**Электрон танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан  
расмийлаштириладиган ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

*1-жадвал*

№	Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар ва маълумотлар	Эслатма	Иштирокчини четлатиш учун асос
1	Корхона раҳбари ўз мутахассислиги бўйича маълумот.	my.mehnat.uz электрон манзилдан штрих кодли меҳнат дафтарчаси ва диплом нусхаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
2	Ушбу жорий таъмирлаш ишларида банд бўладиган меҳнат ресурслари тўғрисида маълумот.	my.mehnat.uz электрон манзилдан штрих кодли меҳнат дафтарчаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
3	Қурилиш бўйича бош мутахассис (муҳандис) мавжудлиги тўғрисида маълумот.	my.mehnat.uz электрон манзилдан штрих кодли меҳнат дафтарчаси ва диплом нусхаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
4	Махсус техникалар мавжудлиги тўғрисида маълумот.	Техниканинг корхона номидаги ёки ижара шартнома асосидаги техник-паспорт нусхаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
5	Охириги қурилиш таъмирлаш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумот	Ф-2, Ф-3 ёки топшириш қабул қилиш далолатнома нусхалари PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
6	Корхонанинг айланма маблағлари тўғрисида маълумот	Тегишли банк маълумотномаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
7	Жорий таъмирлаш ишларига сарфланадиган товар хом-ашёларнинг сертификатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот	Сертификат нусхаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ
8	Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза	3-шаклга кўра нусхаси PDF форматда юкланади	Харид комиссияси қарорига мувофиқ

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссиясига

Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича  
АРИЗА

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси  
(компаниянинг номи)

1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

2) ҳар қандай ҳаракат, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида ҳар қандай БУЮРТМАЧИ харидлари тартибини қўллаш комиссияси таъсир қилиш учун БУЮРТМАЧИнинг ҳар қандай жорий ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходими ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда, бир иш ёки ҳар қандай бошқа қимматли нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки қимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

3) рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан қизиқишлар бўйича низоларга эга эмаслигини, муассислар ва/ёки ИЖРОЧИ ичида ижрочининг танловига кўра қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган яқин қариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини;

5) нархлар ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини ;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

Ижрочининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси

Мухр ўрни

**Иштирокчилар ва танлаш таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**I. Малакавий баҳолаш мезонлари**

*2-жадвал*

№	Мезони	Баҳолаш шкаласи	Эслатма
1	Корхона раҳбари ўз мутахассислиги бўйича маълумот.	Ўрта махсус - 5 балл; Олий маълумотли - 15 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
2	Ушбу жорий таъмирлаш ишларида банд бўладиган меҳнат ресурслари тўғрисида маълумот.	10 нафар ходим – 5 балл 20 нафар ходим - 10 балл 30 нафар ходим- 15 балл 40 нафар ходим- 20 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
3	Курилиш бўйича бош мутахассис (муҳандис) мавжудлиги тўғрисида маълумот.	Ўрта махсус - 5 балл; Олий маълумотли - 10 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
4	Махсус техникалар мавжудлиги тўғрисида маълумот.	Камида 2 та техниканинг ижара шартномага – 5 балл Камида 2 та техниканинг корхонага тегишлилиги – 10 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
5	Охириги 3 йилда (2019-2020-2021 йиллар) курилиш таъмирлаш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумот	2019 йилга – 5 балл 2020 йилга – 5 балл 2021 йилга – 5 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
6	Корхонанинг 2022 йил 9-ойлик айланма маблағлари тўғрисида маълумот	Ушбу бажариладиган жорий таъмирлаш қийматининг 5 баробарига – 5 балл; 10 баробарига – 10 балл;	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
7	Жорий таъмирлаш ишларига сарфланадиган товар хом-ашёларнинг сертификатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот	10 та сертификатга – 5 балл 20 та сертификатга – 10 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади
8	Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза	Мавжуд бўлса 10 балл	Агар мавжуд бўлмаса, иштирокчи дисквалификация қилинади

**Малака танлаш ва техник баҳолаш натижалари**

Максимал балл (техник баҳолашнинг максимал балл йиғиндиси)	Минимал ўтиш бали
<b>100</b>	<b>75</b>

**II. Нархни баҳолаш мезонлари**

*3-жадвал*

№	Мезонлар	Баҳолаш	Эслатма
1	Нархи	Энг паст нарх – танлаш ғолиби	Танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда); танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.